Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 57 (8797).

13 март 1986 йил пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАН ХАБАРЛАР

## МОТОРСОЗЛАР ҚЎЛИДАГИ ЯНГИ УСКУНА

Қурилаётган Тошкент мотор заводи қошидаги пресс пайвандлаш цехи учун икки томонлама ишлайдиган қудратли пресс олинди. Бунинг шарофати билан бош корхона бўлган Минск шаҳридаги мотор заводи эндиликда 100 от кучилик дизель учун Тошкентга бир қанча деталлар юбориб туришига ҳожат қолмади. Ҳозир Ўзбекистон пойтахтидаги мотор заводида ана шу хилдаги дизель ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Двигатель деталларининг учдан бир қисми Тошкентнинг ўзида тайёрланмоқда. Бунинг устига Тошкентдаги мотор заводи ана шундай деталларни кооперация йўли билан бошқа корхоналарга ҳам етказиб бериш мажбуриятини олган. Қардош республика машинасозларига бу завод ҳаво торттич ускуналар жўнатиб турибди.

Пресс пайвандлаш цехида дизельнинг айрим деталлари билан бир қаторда узелларини ҳам тайёрлашга киришдилар. Шу мақсадда бу ерда замонавий пайвандлаш ускуналари, қувур қирқиш станоклари, бошқа техника ўрнатилди.

(ЎзТАГ мухбири).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ

ЖАДАЛЛАШТИРИШ — БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

# ПАРТИЯ БЕЛГИЛАГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРАМИЗ!

## КОММУНИСТЛАРНИНГ ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Совет кишилари ишчанлик, кўтаринкилик кайфиятидадирлар. Улар КПСС XXVII съезди таассуроти билан яшамоқдалар. Бу съезд Советлар мамлакатининг таржимаи ҳолига тарихий босқич бўлиб киради. Съезд ҳозирги даврни кенг, ленинчасига идрок этди. У КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш борасида олға сурган йўлига ижобий баҳо берди. Коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг реалистик, ҳар томонлама ўйлаб кўрилган ҳаракат программаси ишлаб чиқилди. Съезд қарорлари олға томон ҳаракатимизнинг характерини ҳам, суръатларини ҳам белгилаб беради.

Совет халқи коммунистик қурилишдаги ютуқларини, тинчлик учун курашдаги муваффақиятларни жонажон партия билан чамбарчас боғламоқда. Ана шу ютуқлар ва муваффақиятлар тўғрисида КПСС XXVII съезди минбаридан гапирилди. КПСС съезддан кейинги даврга миллионларнинг коллектив донишмандлиги билан бойиган, яна ҳам уюшган, жипслашган ҳолда жанговар қобилиятли бўлиб қадам қўймоқда. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасининг, партия Уставининг қоидаларини рўёбга чиқариш унинг раҳбарлик ролини янада оширишга, ҳамма соҳалардаги таъсирини кучайтиришга кўмаклашади.

Съезд қабул қилган қарорларнинг моҳияти ва руҳини ҳар бир совет кишисига етказиш, шу қарорларни бажаришга доир ишларни амалда ташкил этиш — партия ташкилотларининг, коммунистларнинг бош вазифасидир. Эндиликда энг муҳими режалар энергиясини конкрет ҳаракатлар энергиясига айлантиришдан иборатдир.

Ўртага қўйилган вазифаларнинг янгилиги, миқёси ва мураккаблиги коммунистлардан, республика партия ташкилотларидан тортиб бошланғич ташкилотларгача — барча партия ташкилотларидан қатъий куч-ғайрат, собитқадамлик, ишчанлик ва фидокорликни талаб этади. Партия ишининг тубдан қайта қурилишини таъминлаш, ҳамма жойда ижодкорлик, принципиаллик ва талабчанлик муҳитини қарор топтириш — биринчи даражали муҳим ишдир. Биз янгича ишлашни ўрганиб олмасак, ҳар қандай кўринишдаги қолоқлик ва эскиликни бартараф эта билмасак, вазиятга сергаклик билан баҳо беришда дадиллик кўрсатмасак, олға томон бир қадам ҳам силжий олмаймиз.

«Юқоридан қуйигача партия комитетлари — съезд йўл-йўриқларини бажаришга оид ишларнинг ташкилотчиларидир, — деди М. С. Горбачев съездни ёпиш вақтида сўзлаган нутқида. — Конкретлилик, ишчанлик, изчиллик, сўз билан ишнинг бирлиги, энг самарали усул ва воситаларни танлаш, одамларнинг фикрларини синчиклаб эътиборга олиш, барча ижтимоий кучларнинг ҳаракатларини моҳирлик билан мувофиқлаштириб бориш — ҳозир керак бўлган услубдир».

Барча партия комитетлари давлат ва хўжалик органларининг вазифалари аралашиб кетишига, уларнинг ўрнини олиш ва майда-чуйда ишларга аралашаверишга йўл қўймай, чинакам сиёсий раҳбарлик органлари сифатида иш кўришлари кераклиги съездда чиқарилган асосий хулосалардан биридир. Сусткашликка, жонли ишни бўлар-бўлмас қуруқ ва чексиз сафсатабозликлар билан кўмиб ташлаш одатига батамом барҳам бериш вазифаси қўйилди. Расмиятчилик ва бюрократизмга, андазачилик, лоқайдликка, «қайта қуришга мослашиш» йўлидаги уринишларга асоссиз ишонтиришлар ва ваъдаларга қатъиян чек қўйиш керак. Айтилган гап ва бажарилган иш ўртасидаги ҳар қандай узилиш партия сиёсати обрўсига зиён етказади, унга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар бир коммунист ўзига топширилган участкада ишнинг кўзини билиб, тўла фидокорлик билан ҳаракат қилиши муҳимдир.

Партия ташкилотларининг соғлом, нормал турмушини ички партия демократиясига, коллектив раҳбарлик принципига қатъий риоя этишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса коллектив органлар — партия комитетлари пленумларининг, бюроларининг, партия йиғилишларининг ролини ошириш зарурлигини тақозо этади. Съезд ижрони контрол қилиш ва текширишни кучайтиришга, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга, дабдабабозлик, мақтанчоқликка қарши курашни кучайтиришга даъват этди. Танқидни бўғиш, унинг учун таъқиб қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян чек қўйиш лозим. Талабчанлик билан айтилган сўз эшитилмаётган жойларда партия иши бузилади, лоқайдлик ва жазоланмаслик вазияти вужудга келади. Бу эса ишларда турғунликка ва ходимларнинг айнишига олиб боради. Партияда контролдан ташқаридаги, танқид учун ёпиқ ташкилотлар бўлиши мумкин эмас.

Ҳар қандай ишни инсон бажаради. Бизда яхши, истеъдодли раҳбарлар оз эмас. Кейинги вақтларда кўпгина масъулиятли соҳалар серғайрат, етук, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамланди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни бундан буён ҳам яхшилаш партия комитетларининг бурчидир. Ҳали учраб турган ва бизга ёт бўлган ошна-оғайнигарчилик, ходимларни шахсий садоқати ва ҳамюртлигига қараб кўтариш практикасига тоқат қилиш мумкин эмас. Лавозимларга кўтариш ва бошқа ишга ўтказишнинг ҳаммаси учун мезон битта. У ҳам бўлса ходимнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатлари, реал ютуқлари, сиёсий йўлни актив амалга ошира олиш қобилиятидир. Ғоявий матонат, мустаҳкам ахлоқий эътиқодлар, юксак сиёсий маданият, принципиаллик ва билимдонлик, коллектив ишни ташкил эта билиш маҳорати, омма билан бирга бўлиш, кишиларнинг манфаатлари ва талаблари билан яшашга доимий эҳтиёж раҳбарга узвий равишда хос бўлиши керак.

Ҳамма жойда амалий, ижодий услубни қарор топтиришда бошланғич партия ташкилотлари масъулиятли роль ўйнайди. Улар омма ўртасида, сиёсий қарорлар амалда рўёбга чиқариладиган жойларда иш кўрадилар. Партия ташкилоти принципиал муносабатларга асосланган тўлақонли ҳаёт кечираётган, коммунистлар конкрет ишлар билан банд бўлишган тақдирда муваффақият таъминланади. Партия комитетлари ана шу бўғинларнинг жанговарлигини бутун чоралар билан ошириб боришлари, ҳар бир ташкилотда режалар ва қарорларнинг аниқ-равшанлиги, ошкоралигини, бир-бирига нисбатан ўзаро талабчанликни билдирувчи ижодий муҳит таъминланишига эришишлари керак.

Съездда КПСС аъзоси номини ва аҳамиятини ошириш зарурлиги тўғрисида, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун курашнинг муҳимлиги ҳақида ленинча фикр яна зўр куч билан янгради. Ўтган йиллар мобайнида партия сафлари коммунизм ишига фидокорона хизмат қилишга тайёр бўлган янги кучлар билан тўлдирилганлиги қайд этиб ўтилди. КПССга янги аъзоларни танлаб олиш чоғида талабчанликни сусайтириш фактларига айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Бизнинг вазифамиз партия сафларининг софлиги тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилишдан, партияга тасодифий кишилар кириб қолишига сира йўл қўймасликдан, партия аъзоларининг шахсий намунасини таъминлашдан иборатдир. Маълумки, коммунистларнинг авангардлик роли ўз-ўзидан бўлмайди. Бу роль конкрет ҳаракатларда, амалий ишларда, ижтимоий бурчни бекаму кўст бажаришда намоён бўлади. Съезд коммунистларни ўз ўртоқлари олдидаги мунтазам ҳисоботлари ўтказиб туриладиган, йиғилишларда партиявий характеристикалар муҳокама этилиб тасдиқланадиган партия ташкилотларининг тажрибасидан кенгроқ фойдаланишни тавсия этди. Буларнинг ҳаммаси истисносиз барча партия аъзоларининг масъулиятини кучайтиришга кўмаклашади.

Партия амал қилаётган сиёсий йўл идеология иши самарадорлигини анча ошириш учун қулай имкониятлар яратади. Аммо бунда жиддий камчиликлар: кампаниячилик, пропаганданинг ҳаётдан ажралиб қолиши ва етилган проблемаларнинг ўткирлигига етарли баҳо бермаслик, қуруқ сафсата ва лоқайдлик ҳоллари ҳамон сақланиб қолмоқда. Тарбия ишини ички ва халқаро ҳаёт реалликларига мувофиқ ҳолга келтириш, бу ишнинг ташкилотчилик ва хўжалик фаолияти билан қўшиб олиб борилишини таъминлаш талаб қилинади.

Идеология ишида съезд меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик ва совет Ватанига садоқат, пролетар, социалистик интернационализм руҳида, меҳнатга ва жамоат мулкига онгли муносабатда бўлиш, социализмга ёт бўлган ҳамма нарсаларга муросасизлик руҳида тарбиялашни асосий йўналишлар, деб ҳисоблайди. Коммунизм қурувчиларининг ғоявийлиги ҳалоллик, виждонлилик ва софдиллик билан чамбарчас боғланган. Коммунистлар буржуа идеологияси ва ахлоқига, империализмнинг антисовет иғвогарликлари ва мафкуравий қўпорувчиликларига, диндан социализмга зид мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларга қарши курашни ҳужумкорлик руҳида олиб боришлари шарт. Тарбия ишига комплекс ёндашишни таъминлаш, конкрет инсонни бутун ишнинг марказига қўйиш, ишлаб чиқаришда, ўқишда ва истиқомат жойларидаги тарбиянинг бирлигига эришиш зарур. Идеология ишида барча раҳбарларнинг қатнашувини таъминлаётган жойларда тўғри иш қилмоқдалар.

Съезд белгилаган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Бу воситалар ошкоралик, жамоат контролининг қудратли воситасидир. Матбуот, радио, телевидение ўз мақолалари, эшиттиришлари, кўрсатувларининг савияси ва таъсирчанлигини ошириши, ўткир мавзуларни четлаб ўтмаслиги, ҳал этилиши ишнинг яхшиланишига ёрдам берадиган энг долзарб проблемаларни муҳокамага қўйиши керак. Бу иш қанчалик чуқур ўйланиб оперативлик билан бажарилса, у шунчалик самарали бўлади.

КПСС XXVII съезди тасдиқлаган планлар оддий бўлмай, балки жуда дадил планлардир. Совет кишилари белгиланган барча режаларни бажаришга азму қарор беришган. Шу кунларда редакцияга келаётган кўплаб хат ва телеграммалар шундан далолат беради. Коммунистлар авж олиб кетган мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар. Улар бунёдкорлик ишларида пешқадамлик қилиб фидокорлик, халқ олдидаги бурчни оғишмай бажариш намунасини кўрсатмоқдалар. Съезд қарорлари муваффақиятли равишда рўёбга чиқарилишининг гарови мана шундадир!

(«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 11 МАРТДАГИ БОШ МАҚОЛАСИ).

## ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг В. Хаустов етакчилигидаги бригадаси коллективи янги беш йилликни кўтаринки кайфиятда бошлади. Бригада аъзолари «Юқори сифатга — ишчи кафолоти» шиори билан меҳнат қилиб, ишлаб чиқарган маҳсулотларини биринчи тақдим этишдаёқ топширишга муваффақ бўлишмоқда.

Ўтган ойда корхона партия-хўжалик активи йиғилишида бу илғор коллектив йиллик планни белгиланган муддатдан анча олдин бажариш ва фақат юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш ташаббуси билан чиққан эди. Уларнинг бу ташаббуси корхонада кенг қўллаб-қувватланди. А. Мартинюк, Р. Ашмасов етакчилигидаги бригадалар бу ташаббусга қўшилиб ҳозирда кунлик планларини мунтазам 10—15 процент ошириб бажармоқдалар.

В. Хаустов бригадаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар асосан хорижий мамлакатларга жўнатилади. Ана шунинг ўзи бригадага катта масъулият юклайди. Шу боис бригаданинг ҳар бир аъзоси фақат юқори унум ва шижоат билан ишлашга одатланган.

К. МЕЗЕНЦЕВА.



● СУРАТДА: ташаббускор бригаданинг илғор ишчилари Дилором Қўчқорова ва Найли Минаева (юқорида) ҳамда бригада коллективи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлар.

Н. Шарипов фотоси.

## БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ

ЗАМИРА ва Манзура бир кунда «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга қабул қилиндилар. Улар «жин» машинаси арраларини тайёрловчи участкада меҳнат қила бошлашди.

— Бахтингиз бор экан, — деди уларни илиқ кутиб олган участка мастери Файзулла Исиригапов. — Коллективимиз аҳил, бу ерда асосан қизлар ишлашади.

Тушликдан кейин Файзулла Эгамбердиевич икки ёш дугонани корхона, цех коллективининг анъаналари, ишлаб чиқариш илғорлари билан таништирди. Касб танлашни ўзларига ҳавола қилди. Замирага аррани тишини чиқарувчилик касби ёқиб қолди. Манзура ҳам худди шу ишда ишлашга қарор қилди. Кейинчалик қизларга маълум бўлишича, улар ишлаб чиқараётган арралаш дисклари пахта тозалаш техникасида энг керакли қисм ҳисобланар экан. Буни эса нафақат Иттифоқимиз, балки хорижий мамлакатларга юборилиши қизларда касбга бўлган меҳрни кучайтирди.

Мана орадан 10 йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Эндиликда икки дугона арра участкасининггина эмас, балки бирлашманинг илғор ишчилари бўлиб қолишди. Уларнинг номларини тилга олишганда ташаббускорликларини ҳам алоҳида таъкидлашади. Пешқадамлар ўн биринчи беш йилликни барвақт бажаришга биринчилар қатори бел боғлашган эди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиб, шу кунларда ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили охирги ойи ҳисобига ишлашмоқда.

Шундай меҳнатсевар ишчиларнинг фидокорлиги туфайли участка коллективининг ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Коллектив ўтган йилги топшириқларни муддатидан анча илгари адо этди. Икки кун фақат тежалган хом ашё ҳисобига ишланди. Барча маҳсулот юқори сифат билан тайёрланди. Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили ҳам муваффақиятли бошланди. Замира Кумбутаева ва Манзура Бердиқулова сингари илғорлар кунлик нормаларини 130—140 процентга етказиб бажаришмоқда.

Участкада ўзининг ҳалол, унумли меҳнати, хулқи билан ҳаммага намуна бўлаётган хотин-қизлар кўплаб топилади. Смена мастери Е. Фортунова, Т. Серпутько, Н. Нохова, С. Раҳматуллаева сингари пешқадам ишчилар шулар жумласидандир.

Б. НИКУЛИШЕВ.

## МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

ЎРТА ЧИЧИҚ районидаги колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари «Ленин йўли» колхозида 200 бошга мўлжалланган молхона, Терешкова номли колхозда 110 бошга мўлжалланган бузоқхона, Охунбобоев номли колхозда 680 ўринли клуб, «Коммунизм» колхозида касалхона ва уй-жой қурилиш ишларини амалга оширдилар. Бунёдкорлар мўлжалдаги 330 минг сўм ўрнига 336 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини муваффақиятли адо этдилар. Бунда Анатолий Нигай, Омил Умирбоев бошлиқ бригада коллективлари юксак суръат ва юқори самарадорликка эришиб, бошқа бригадаларга ўрнак бўлдилар.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

## АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗИ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Қишлоқ хўжалиги ходимлари ва озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзи область комитети ўрнида янгидан тузилган агросаноат комплекси ишчилари касаба союзи Тошкент область комитетининг пленуми бўлди.

Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. К. Шодиметов область касаба союз комитети раиси, Ғ. К. Ғаффоров ва С. М. Арамбицкая комитет секретарлари, Тошкент тажриба-механика ремонт-экскаватор заводи назоратчи мастери О. А. Никанорова жамоатчилик асосида ишловчи комитет секретари этиб сайландилар.

Пленум КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан область касаба союз комитетининг амалий ишлари планини тасдиқлади.

Пленумда область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов нутқ сўзлади. Пленум ишида агросаноат комплекси ишчилари касаба союзи Марказий Комитети секретари А. И. Попов ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети секретари А. Г. Руденко иштирок этдилар.

## ЭРТАГИ, САРХИЛ САБЗАВОТ УЧУН

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

БУ ЙИЛ баҳор бирмунча қуруқ келиб, олдинги йиллардагига нисбатан ерда нам кам бўлмоқда. Натижада очиқ далага карам ниҳоллари экиш кечикмоқда. Шунинг учун эндиликда ердан нам кўтарилмасдан карам кўчатларини 70х25=30 сантиметр оралиғида, қисқа муддатларда сифатли қилиб экиб олиш зарур. Теплицаларда етиштирилган кўчатлар далага олиб чиқилишидан олдин устидаги плёнкалари олиб қўйилиши ва уч-тўрт кун давомида чиниқтирилиши шарт. Ана шунда кўчатлар бехато кўкаради.

Бизнинг шароитимизда эртаги муддатда экиш учун қуйидаги навлар: сабзининг — «мушақ», лавлагининг — «Бордо», помидорнинг — «Талалихин», «Перемога», бодрингнинг — «645» ёки «Ўзбекистон — 740», картошканинг — «Приекульский», «Белорусский», «Приемус», «Зарафшон» навлари тавсия этилади.

Шу кунларда сабзи, қанд лавлаги, пиёз уруғларини ҳам зудлик билан ер намига экиб, тамомлаш керак. Бунда ҳар гектар ерга 16—18 килограмм пиёз, 4—5 килограмм сабзи, 14—16 килограмм лавлаги уруғи сарфланади. Редискани ҳам тез кунда экиб тугаллаш лозим. Сепилган уруғларнинг устидан 2—3 сантиметр қалинликда чириган гўнг ёки қипиқ солишга эътибор бериш зарур. Бу тадбир қатқалоқнинг олдини олади, намнинг узоқ сақланишига ёрдам беради. Хўжаликларда аҳоли учун етиштириладиган резавор кўкатлар: укроп, петрушка, кашнич, исмалоқларни ҳам шу кунларда экишни тамомлаш келгусида мўл ҳосил олинишини таъминлайди.

Кўчат экишда СКНБ—4 механизмидан фойдаланинг. Ана шу ҳисобга гектар бошига 40—45 сўм иқтисод қилиш мумкин.

Эрта-индин пленка остига бодринг, помидор экишни ҳам қизитиб юбориш керак. Пленка остига олинадиган экинларга жой танлашда қия, бир томондан сув ичадиган, совуқ шамолдан сақланиши мумкин бўлган, жануб томонга қараган ерлар танланиши мақсадга мувофиқдир. Помидорни уруғидан экиш бақувват, соғлом, касалликка чидамли кўчатлар ҳосил қилиш ва сифатли маҳсулот етиштиришда муҳим агротехника тадбирларидан эканлигини унутмайлик.

Шу кунларда амалга ошириладиган ишлардан яна бири август пиёзи, саримсоқ ҳамда пленка остида ўстирилаётган сабзи, кўкат сабзавотларни бегона ўтлардан тозалаш, озиқлантириш, суғоришдан иборатдир. Кузда уруғ учун экиб қўйилган карамларнинг устини очиб, четларини тупроқ билан бостириб қўйиш катта фойда келтиради.

Маълумки, помидор умумий сабзавот майдонининг 40 процентига экилади. Помидор учун ажратилган ерларнинг ҳар гектарига 30—40 тоннадан маҳалий ўғит 150 килограмм ҳисобидан фосфор (агар кузда солинмаган бўлса), бериб сўнг ерларни экишга тайёрлаб қўйиш шарт.

Ҳар бир сабзавоткор хўжаликда ўртаги ва кечки экинлар ўрнига оралиқ экинлар (жавдар, сули, рапс, перко ва бошқалар) экилган. Ернинг нами кўтарилмасдан бу экинларнинг ҳар гектарига 70—80 килограммдан азот солиш ҳосилдорлик ошишини таъминлайди.

Сабзавотдан мўл, сифатли, эртаги ҳосил етиштириш учун деҳқонларимиз юқорида кўрсатилган тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишига эришиш учун ҳаракат қилишлари керак.

С. МАҲКАМОВ,
Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий-текшириш институти катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

## ЕРЛАР ТЕКИСЛАНДИ

СУҒОРИЛАДИГАН ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда мелиорациянинг роли ғоят каттадир. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида бу соҳада ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 35 гектар майдон капитал текисланди. Партов ерларни ўзлаштириш ҳисобига кам деганда 32 гектар майдон қишлоқ хўжалик оборотига киритилади. Ариқ-зовурларни тозалаш, бетон ётқизиш ишлари ҳам жадал боряпти. Шу кунга қадар экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун давлат ёрдами билан 179 минг сўмлик иш бажарилди. Колхозчилар кучи билан эса 22 минг кубометр ҳажмдаги ички ва ташқи суғориш шохобчаларини тозалаш ниҳоясига етказилди.

Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда Тўлқин Қодиров, Ниҳол Иномов. Мирза Эгамназаров, Турсунбой Рустамов каби тракторчилар жонбозлик кўрсатяптилар.

О. ТУРАҚУЛОВ.

Тошкент районида

## БОҒЛАР КЕНГАЯДИ

ТОШКЕНТ районидаги Абдураҳмонов номли совхоз меҳнаткашлари боғ-роғларни кенгайтириш ишларини жадаллик билан давом эттирмоқдалар. Шу кунгача 12 минг тупдан зиёд олма, шафтоли, гилос, олхўри кўчатлари экилди.

Хўраки нав узум кўчатлари ҳисобига токзорлар янгиланиб, ёшартирилмоқда. Мелиоратив ҳолати яхшиланган карталар йириклаштирилди ва 25 минг туп ток кўчати ўтқазилди. Айни кунларда хўжаликнинг Асом Насриддинов, Улуғбек Қосимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида токларни очиш, сим бағазларга кўтариш ишлари тобора авж олдирилмоқда.

Т. ЖЎРАЕВ.

## ГЕКТАРИДАН 350 ЦЕНТНЕРДАН

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхознинг Искандар Позилов бошлиқ бригадаси далаларида баҳорги ишлар авж олган. Ўтган йили сепиб қўйилган 4 гектар майдондаги пиёз бегона ўтлардан тозаланиб, биринчи ишловдан чиқарилди. Деҳқонлар эртаги экинлар экиш ишларини ҳам хўжаликда биринчилардан бўлиб якунладилар. 12 гектар майдонга карам кўчати ўтқазилди, 10 гектарга картошка қадалиб, икки гектарга сабзи уруғи сепилди.

Айниқса, бригаданинг Тожибой Юнусов, Нажмиддин Исроилов, Собитали Йўлдошев, Анваржон Соҳибов сингари аъзолари фаоллик кўрсатдилар. Шу кунларда бригада механизатори Исроилжон Усмонов помидор экиш учун мўлжалланган 6 гектарлик пайкалда эгат олишни тугаллаш арафасида. Бу йил миришкорлар ҳар гектар ердан 350 центнердан ҳосил кўтариш учун курашаяптилар.

М. МАМАТҚУЛОВ.

**КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ҲАЁТГА!**

**...Ёшларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилашга, янги жамиятнинг онгли қурувчиларини тарбиялашга янада қатъийроқ тарзда эришмоқ керак.**

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан.

*ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА*

# ЁШЛАР, КАСБ ОРТТИРИНГ

Бир неча йилдирки, Орджоникидзе районидаги 12-ўрта ҳунар-техника билим юрти малакали ишчилар тайёрлаб беришда республикада олдинги ўринлардан бирида бормоқда. Бу ерда мева-сабзавотчилик агротехниги, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, слесарь-ремонтчи, ҳайдовчи, чорвачилик оператори мутахассисликлари бўйича ҳунар эгаллаган ёшларнинг кўплари район хўжаликларида меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги бригадалар, звеноларни бошқаришмоқда.

Билим юртида ислоҳот талаблари асосида амалга оширилаётган тадбирлар дастлабки натижаларни бермоқда. Ўқувчиларга танлаган касбларини пухта ўргатиш билан бирга уларни эстетик тарбиялаш, жисмоний чиниқтириш, Совет Армияси сафига тайёрлашга эътибор, рус тилини ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Бу предмет бўйича область, республика олимпиадаларида иштирок этувчилар сафи ўсмоқда.

Бу ўқув юрти коллективи ишчи-кадрлар тайёрлаш соҳасида эришган ютуқлари ва билим юртлариаро республика социалистик мусобақасининг ўтган йилги якуни бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

— Бошқа соҳалардаги каби ишчи ўринбосарлари тайёрлашда ҳам муваффақият аввало меҳнат интизомига, сўз билан иш бирлигига боғлиқ,— дейди биз билан суҳбатда билим юрти директори Мели Арслонович Арслонов.— Ёш авлодга таълим-тарбия бераётган 32 ўқитувчи ва 39 мастернинг бутун фаолияти ана шу мақсадга қаратилган.

Чиндан ҳам аҳиллик, ҳамжиҳатлик туфайли бу билим юртида ўқувчиларни жалб қилиш ва битирувчиларни ишга жойлашдаги муаммолар ҳал этилган, дейиш мумкин. Бу масала билан жиддий, изчил шуғулланилди. Райондаги ҳамма мактабларга ўқитувчи ва мастерлар бириктириб қўйилди. Улар ўқувчилар билан касб танлаш ҳақида суҳбатлар ўтказишди. Ҳунар ўрганишга қизиққан ёшларни билим юртига таклиф этиб, устахоналар, лабораториялар, фан кабинетлари билан таништирдилар. Кейин ота-оналар учун «Очиқ эшиклар куни» ўтказиш одат тусига кирди. Улар билим юрти ҳаёти билан танишар эканлар, унга қизиқиб қолдилар.

— Мен билим юртида бўлганимда у ердаги шароитни кўриб, иккала ўғлимни ҳам ўқишга бердим,— дейди Ашурали ота Мингбоев. — Ҳозир фарзандларимдан бири «Коммунист» колхозида шофёр, иккинчиси Мусамуҳамедов номли совхозда тракторчи. Бинойидек ишлашаяпти.

— Билим юртининг ташқи кўриниши ҳам, ички тартиби ҳам менда ҳавас уйғотди. Жуда ораста жой экан. Фан кабинетлари бой, ётоқхонаси яхши, ошхонаси кенг. Жуда катта кутубхона, стадион, баскетбол, волейбол майдончалари бор,— дея суҳбатга қўшилди ҳамшира Меҳрихон Йўлдошева.— Кўриб ҳавасим келди, ўқитувчилар, мастерларнинг хушмуомалалиги, болаларга самимий муносабати ёқиб қолди. Ҳозир ўғлим бу ерда чорвачилик оператори касбини ўрганмоқда.

Бу ўқув даргоҳида худди шундай «Очиқ эшиклар куни» хўжаликлар раҳбарлари билан ҳам ўтказилди. Шу тариқа ҳамкорлик мустаҳкамланиб, улар учун эҳтиёжларига яраша ишчи кадрлар тайёрлаш иши ойдинлашди. Натижада билим юртини битирган ҳар бир ўқувчининг иш жойи олдиндан тайин бўлиб қолди.

Ана шундай тадбирлар туфайли билим юрти обрўси ортди, унда областимизнинг Паркент, Коммунистик, Тошкент ва Калинин районларининг кўпгина ёшлари ҳам ўқишмоқда. Илгари 400—450 бола қабул қилинган бўлса, уч йилдирки 510 нафардан зиёд ўқувчи қабул қилинмоқда.

Таълим-тарбия ишларини яхшилашда, зарур қулайликлар яратишда район агросаноат бирлашмаси катта амалий ёрдам бермоқда. РАПО кўмаги билан ўқув юрти моддий базаси мустаҳкамланди. Масалан, билим юртига биргина ўтган беш йилликнинг ўзида 20 та ҳар хил қишлоқ хўжалик техникаси, бир неча пахта териш агрегати, юк машиналари, тракторлар ва «Сибиряк» комбайни берилди. Машина-трактор парки ва гаражи ташкил этилди.

Ўқувчилар назарий билимларини ажратиб берилган 30,5 гектар майдондаги ёрдамчи хўжаликда ва ўзлари яратган кичик чорвачилик ҳамда қуёнчилик фермаларида амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар.

Билим юртида ҳунар ўргатиш ва таълим бериш самарадорлигини ошириш, мавжуд 25 фан кабинети, 5 та лаборатория, кўплаб устахоналарни замонавий талаблар даражасида жиҳозлаш, машғулотларни қизиқарли ташкил этишда Р. Карчиева, А. Гладкова, Т. Абдуллаев, М. Сайдаҳмедов каби педагоглар, Т. Юнусов, Х. Абдураҳмонов сингари мастерларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларни эстетик дидини ўстириш, маънавий дунёсини бойитиш, техник ижодкорлигини ошириш борасидаги ишлар аниқ мақсадга йўналтирилган. Ёшлар спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланмоқдалар. «Китоб — бизнинг дўстимиз», «Олам бўйлаб саёҳат», «Техникани ҳаммамиз севамиз» тўгараклари ҳамда бадиий ҳаваскорлик ансамбллари қатнашчиларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ҳар йили «Рус тили — дўст тили» шиори остида район, область олимпиадалари шу билим юртида ўтказилмоқда. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Кейинги беш йил мобайнида билим юрти командаси Бутуниттифоқ «Зарница» ўйинларида иштирок этиб, олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Эришилган ютуқлар билан бирга,— дейди директор,— ҳал қилинмаган муаммолар ҳам ҳали анчагина. Партиямиз XXVII съездида қайд қилинганидек, таълим-тарбияни келажакни кўзлаб йўлга қўйишимиз керак. Давр биздан шуни тақозо этмоқда. Замонавий талаблар асосида таълимни қайта ташкил этиш, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш ишларини ҳал этиш энг муҳим вазифалардан бирибир.

Областимиз халқ хўжалигига ҳар йили 500 нафар малакали ишчи тайёрлаб бераётган бу билим юртида ана шу ва ҳунар ўргатишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа муаммоларни изчил ҳал этиш йўл-йўриқларини белгиламоқдалар.

**С. ҲАСАНОВ.**





● **СУРАТЛАРДА: 12-ўрта ҳунар-техника билим юрти фан кабинети ва устахонасида машғулотлар пайти.**

**В. Молгачев** фотолари.

# ДЕЛЕГАТ БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтимиздаги Кино уйида республика ижодий союзлари ва ташкилотларининг вакиллари КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Ўлмас Умарбеков билан учрашдилар.

Учрашувда ёзувчи ўзининг съезддан олган таассуротлари, унда Ўзбекистон коммунистлари делегациясининг иштироки ҳақида сўзлаб берди.

— КПСС XXVII съезди мамлакатимиз ҳаётида жаҳоншумул аҳамиятга молик тарихий воқеа бўлди, — деди Ў. Умарбеков. — Биз КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади ва делегатлар сўзлаган ҳар бир нутқни катта эътибор ва ҳаяжон билан тингладик. Сиёсий докладда ҳозирги дунёнинг кенг миқёсли манзараси, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришнинг янги стратегик йўли таърифлаб берилди.

Шундан сўнг адиб мамлакатимиз халқ хўжалиги ва республикамизнинг социал-иқтисодий аҳволига тааллуқли муҳим масалаларга тўхталди. Тўпланганлар эътиборини съезд қарорларини меҳнаткашлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уларни амалга ошириш борасида республикамиз ижодий союзлари ва ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга қаратди.

Ў. Умарбеков съезд ўз ишини давом эттираётган кунларда бир қанча таниқли совет ёзувчилари билан ижодий мулоқотда бўлгани, улар республикамиз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришларга катта қизиқиш билан қарашаётганини гапириб берди. Шунингдек адиб Ўзбекистон коммунистларининг делегатлари сафида бўлган Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзматов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токарлар бригадири В. Одилов, республика граждан авиацияси бошқармасининг «ИЛ-86» ҳаво лайнери командири Ғ. Саримсоқов сингари ажойиб кишилар билан яқиндан танишганини қайд этиш билан бирга, ижодкорларни ана шундай муносиб замондошларимизнинг маънавий дунёси ва амалга ошираётган улкан ишларини тараннум этувчи асарлар яратишга даъват қилди.

**Р. ҒАНИЕВ.**

*Атеистик тарбия*

# «МЎЪЖИЗА»ЛАРНИ ФОШ ЭТИШАДИ

Бекобод районидаги Ф. Э. Дзержинский номли 1-ўрта мактабда «Ёш атеистлар» тўгараги фаолият кўрсатяпти. Биология ўқитувчиси Зоир Поччаумаров раҳбарлигида мунтазам ўтказиб турилаётган машғулотлар, атеистик мавзулардаги кечалар тўгарак аъзоларида илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиришга кўмаклашяпти. Театрлаштирилган ҳолда ўтказилаётган тадбирлар атеистик тарбиянинг таъсирчанлигини оширмоқда.

Тўгарак аъзолари яқинда бўлиб ўтган район мактаблари атеистик бригадаларининг кўригида «Дуохонлар ва лақмалар» мавзусида тайёрлаган спектаклларини намойиш этдилар. Юқори синф ўқувчиларидан Насиба Эгамназарова, Жамила Бектўраева, Марҳабо Саидовалар саҳнада ишонувчан кишиларни лақиллатаётган сохта табиблар ва бошқа дуохонларни фош этдилар. Сўнгра тўгаракнинг фаол аъзоларидан бири Илҳом Насриддинов турли касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳозирги замон медицинаси нуқтаи назаридан изоҳлаб берди.

Мазкур кўрикда «Ёш атеистлар» тўгараги ишлари муносиб баҳоланиб, унга мукофотли ўрин берилди.

Атеистик тарбия соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар мактабда ташкил этилган атеистик бурчакда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу ерга фотомонтажлар, альбомлар, брошюралар қўйилган. Стендларда марксизм-ленинизм классиклари, мутафаккирларнинг диннинг реакцион моҳияти ҳақидаги ибратли сўзларини ўқиш мумкин.

— Партиямиз хурофот ва бидъатга қарши тарбия иши қатъий ҳужумкорлик, муросасизлик руҳида олиб борилиши лозимлигини таъкидламоқда, — дейди мактаб директори Баҳодир Абдувалиев. — Педагогик коллективимиз ўқув жараёнида фанлар бўйича дарсларни илмий-материалистик руҳда ўтказиш чораларини кўрмоқдалар. Масалан, география ўқитувчиси Акбар Шериев «Ғорлар» темасини ўтар экан, диндорлар томонидан «муқаддаслаштирилган» айрим ғорларга тўхталиб, уларнинг даъволари мутлақо асоссиз эканлигини илмий далиллар билан исботлаб беради. Физика ўқитувчиси Абдуазим Аҳмедов эса турли табиат ҳодисаларини тушунтириш давомида бу ҳақдаги диний қарашларнинг сохталигини фош қилади.

Шуниси эътиборга лойиқки, мактаб ўқитувчилари қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида атеистик тарбия ишларини олиб боришда иштирок этмоқдалар. Айниқса, Хидирқул Эшонқулов, Мирза Мелибоев, Мукаррам Саидова сингари педагоглар дарсдан бўш вақтларида пахтакорлар, боғбон ва чорвадорлар ўртасида атеистик мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқдалар.

**Д. ҚОДИРОВА.**

# КАМЧИЛИКЛАРГА МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК

ШУ КУНЛАРДА коллективимизнинг ҳар бир аъзоси КПСС XXVII съезди материалларини зўр қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, чорвачиликдаги ишларни механизациялаштиришда сусткашлик қилинаётганлиги, етиштирилаётган маҳсулот сифати истеъмолчилар талаби даражасида эмаслиги алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам чорвачиликда ҳамон кўпгина юмушлар қўл кучи ёрдамида бажарилаяпти. Масалан, фермамизда сут линияси бор-у, аммо ишлатилмайди. Эскирган деталларни алмаштириш учун эҳтиёт қисмлар йўқ. Соғувчилар сут тўла бидонларни қўлда ташишаяпти. Қишловнинг якунловчи босқичи давом этаётган шу кунларда молларни рацион асосида озиқлантириш тартиби тез-тез бузилаяпти. Чунки ўтган йили озуқакорларимиз кўнгилдагидек мўл, сифатли ем-хашак жамғаришмаган.

Съездда агросаноат комплексини интенсив ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бу биз чорвадорлардан янада яхшироқ ишлашни, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил тадбиқ этишни талаб қилади.

**Ф. БАЙТАРОВА,**
**Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз сут соғувчиси.**

# 48 ДАСТГОҲДА

КОРХОНАМИЗНИНГ биринчи йигирув-тўқув ишлаб чиқариши коллективининг ажойиб меҳнат анъаналари бор. Бу ердан ўнлаб зарбдорлар, кўп станокчилар етишиб чиққан. Уларнинг меҳнатдаги шижоати, эришган ютуқлари бугунги кунда ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур корхонанинг донгдор тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ёшларнинг меҳрибон устози Лидия Павловна Казанцева, Нина Васильевна Ершова, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, машҳур тўқувчи Дилбар Қулматова каби кўпстаночилик ҳаракати ташаббускорлари, мастер ёрдамчилари — Йўлдош Охунбобоев номидаги область мукофоти лауреати Михаил Попрацкий, Сирожиддин Пўлатов, Жўрабек Тўйчибоев, Жаъфар Шамшитдинов ва бошқалар эндиликда нафақат биринчи фабриканинг, балки бутун комбинат коллективининг ҳам фаҳру-ифтихори бўлиб қолишган.

Илғорлар рўйхатини давом эттириш мумкин. Улар жуда кўпчилик. Бинобарин, пешқадамлар эришаётган меҳнат зафарлари ҳам салмоқли. Беш йиллик марраларидан ўзиб, юқори зичликни ўзлаштириб, иш зонасини кенгайтираётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Меҳнат ветерани, маҳоратли тўқувчи Тамара Владимировна Собитованинг номи ҳам бугунги кунда фабрика илғорлари қаторида тилга олинади. У ўзининг узоқ йиллик меҳнат фаолияти мобайнида илғор усуллардан фойдаланиб, дастгоҳлар сонини ошириб бориб, юқори меҳнат кўрсаткичларига эришмоқда.

Беш йиллик илғори, кўпстанокчилик ҳаракатининг издошларидан бири бўлган Тамара Владимировна ўтган йилнинг ёзида саккиз йиллик план-топшириғини бажарди. Эндиликда бу пешқадам ишчи 1989 йилнинг июль ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Унинг беш йиллик бошидан буён тўқиб чиқарган матоси 3 миллион метрдан ошиб кетди.

Биринчи тўқув фабрикасининг биринчи цехига кирар экансиз, бир маромда ишлаётган дастгоҳлар атрофида юрган ўрта бўйли, миқтигина бу аёлга кўзингиз тушади. Унинг ҳар бир ҳаракати чаққон, қадамидан ўт чақнайди. Дастгоҳларининг ҳаммасини беш қўлдек билади. Қирқ саккиз дастгоҳ унинг измида. Ҳар бир тўқувчи учун хизмат кўрсатиш нормаси эса ўттиз бир дастгоҳ.

Вадим Воростилев етакчилигидаги ягона пудрат асосида ишлаётган бригада аъзоси Тамара Владимировнани коллектив бригада советига аъзо этиб сайлаган. Бу бригаданинг кўрсаткичлари ҳам ҳамиша юқори. Ойлик топшириқлар мазкур коллектив томонидан ҳар вақт 110—115 процентдан кам бажарилмайди. Тамара Владимировна Собитова «Ўз касбининг энг моҳири» деган шарафли ном эгаси. Пешқадам тўқувчи бу шарафли номни ўзининг унумли ва сифатли меҳнати билан оқлаб келмоқда.

**З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА.**

● **КОММУНИСТ В. Куракулов кўп йиллардан бери «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Илғор ишчи смена нормаларини доим ошириб бажаришга ўрганган. У ишдан ташқари жамоат топшириқларини бажаришга ҳам улгуради. Ҳозир сиёсий ахборотчи сифатида КПСС XXVII съезди материалларини пропаганда қилиш билан банд. Суратда: В. Куракулов.**

**М. Нуриддинов** фотоси.



# ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ

ХАЛҚ депутатлари область Совети доимий комиссияларининг навбатдаги мажлислари бўлиб ўтди. Уларда халқ хўжалиги айрим тармоқларини ривожлантиришга оид муҳим масалалар кўриб чиқилди. Область бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари, айрим корхона ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари ҳисобот ва ахборот бердилар.

Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот доимий комиссиясининг мажлиси активлик билан ўтди. Унда Бекобод ва Паркент район ижроия комитетлари, шунингдек, даволаш муассасалари раҳбарларининг аёллар ва болаларга медицина хизмати кўрсатиш юзасидан ҳисоботлари тингланди. Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссияси мажлисида область алоқа бошқармаси раҳбарларининг бошқарув системасини такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Капитал қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссияси мажлисида Олмалиқ шаҳар ижроия комитетининг қурилаётган объектлар ташқи кўринишини яхшилаш, шаҳарни комплекс қуриш ва ободонлаштириш ишлари сифатини ошириш тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди. Энергетика доимий комиссияси мажлисида Оҳангарон, Орджоникидзе ва Калинин районларининг материалларни ва иссиқлик энергияси ресурсларини тежаш бўйича идоралараро комиссиялари ҳисобот бердилар.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва мелиорация бўйича, саноат бўйича, савдо ва умумий овқатланиш бўйича, халқ маорифи, фан ва маданият бўйича доимий комиссияларнинг ҳам мажлислари бўлди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тавсиялар берилди.

*Техника янгиликлари*

# АККУМУЛЯТОР УЧУН СОВИТГИЧ

**СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИ АККУМУЛЯТОРНИНГ ИШЛАШ МУДДАТИНИ 1,5—2 БАРАВАР УЗАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИГАН ҚУРИЛМА ЯРАТДИЛАР**

Аккумулятор зарядка қилинаётган вақтда буғ оқимининг чиқишини ачиниш билан кузатиш қайси автомобилчига насиб қилмаган дейсиз. Бу қиздирилган электроднинг буғланишидир. Аккумулятор зарядлаш вақтидаги шундай юксак ҳарорат оқибатида орадан 3-4 йил ўтгач ишдан чиқади.

Катта батареяга бирлаштирилган аккумуляторларнинг ҳоли янада аянчлидир. Масалан, конларда ишлатиладиган электровозлардаги батареялар (ҳаракатга келтириш манбаи) 180—200 аккумулятордан иборат бўлади. Ўртада турган аккумуляторлар қанчалик «қизиб» ётишини тасаввур қилиш қийин эмас. Уларга совуқ ҳаво интенсив равишда пуркаб турилишига қарамай тез ишдан чиқади.

Ленинграддаги Бутуниттифоқ аккумуляторсозлик илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари бу кенг тарқалган ток манбаи учун совитгич кўринишидаги «иссиқлик найчасидан» фойдаланишни таклиф этдилар. Бу мослама герметик ёпиқ цилиндр шаклида бўлиб, унга оз миқдордаги хладагент — фреон ёки аммиак қуйилган бўлади. Аккумуляторнинг пробкаси олинади ва унинг ўрнига иссиқлик найчасининг бир учи электролитга ботиб турадиган қилиб бураб қўйилади. Аккумулятор ичидаги ҳарорат ошиши билан хладагент ўз совуғини электролитга беради. Биқиқ цикл совитгични узоқ муддат ишлашини таъминлайди.

Иссиқлик найчаси конструкциясини Белоруссия ССР Фанлар академиясининг иссиқлик ва масса алмашиш институти олимлари яратдилар. Унинг хладагент конденсация қилинадиган устки қисмини кенгайтириш учун олимлар иссиқлик найчаси конусига буралма формасини бердилар. Бунда буғланиш ҳам, конденсация ҳам бошқа конструкциялардагига нисбатан анча тез боради.

Саноат синови шуни кўрсатдики, бундай совитгичдан фойдаланиш ҳисобига аккумулятор ичидаги ҳарорат зарядлаш вақтида 15 процент пасаяди. Агар бунга анъанавий усул-совуқ ҳаво пуркашни қўшсак, аккумуляторнинг қизишини тенг баравар камайтириш мумкин бўлади. Шундай қилиб аккумуляторнинг хизмат муддати 1,5—2 баравар узайтирилади.

Янги қурилма Германия Федератив Республикаси ва Японияда патентланди. Уни биринчи бўлиб яратилганлиги справкаси Франция, Швеция, Италия, Югославия ва Болгарияга берилган.

**Ирина ДЕМЧЕНКО,**
**(АПН).**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИга ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

# «НАҚДИНИ ЙЎҚОТАЁТГАНЛАР»

**Газетанинг 1985 йил 18 декабрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада область юк ташиш автомобиль тресги ва унинг корхоналарида йўл қўйилаётган камчиликлар, меҳнат интизоми талаб даражасида эмаслиги, иш вақтидан унумли фойдаланилмаслиги танқид қилинган эди. Ишчи кучи қўнимсизлиги анча юқори. Айниқса, Бўстонлиқ ва Бекобод районларидаги баъзи автокорхоналарда бу кўрсаткич 12—14 процентни ташкил қилади. Кўпгина ҳайдовчилар белгиланган вақтдан ташқари қўшимча ишлатилади. Меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя қилинмайди.**

**Мақолага область юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль трестининг бошлиғи М. Ғофуровдан жавоб олинди. Унда мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри эканлиги айтилади. Область касаба союзлари Совети томонидан ўтказилган текшириш натижалари ва мақолада кўрсатилган камчиликлар трестнинг советида барча автокорхоналарнинг директорлари иштирокида муҳокама қилинган ва тегишли қарор қабул қилинган. Қарорда трестда ва унга қарашли автокорхоналарда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан унумли фойдаланишни назорат қилувчи кўрик комиссиялари тузилганлиги кўрсатилади. Бу комиссияларнинг иш планлари ҳам ишлаб чиқилган. Бундан ташқари трестда автокорхоналарнинг кадрлар бўлими бошлиқларининг меҳнат қонунчилиги ҳақидаги билимларни ошириш мақсадида семинар-машғулотлари ташкил қилинди.**

ИШЧИ КАСБДОШИ ҲАҚИДА

# МОЛДАВАН ҚИЗИ УЙЛАРИ

ҚУРИЛИШДА пардозловчилик касби алоҳида аҳамиятга эга. Тайёр бинони фойдаланишга топшириш кўп жиҳатдан уларнинг сидқидилдан қилган меҳнатларига, сарфлаган қалб қўри ва кўз нурига боғлиқ. Тасаввур қилинг, яхши кийимбош одамни нечоғли хушбичим ва башанг кўрсатса, дид билан ётқизилган линолеум, уй деворларига ёпиштирилган ранг-баранг гулқоғозлар, силлиқ қилинган сувоқ ҳам биноларга шу қадар кўркамлик ва чирой бахш этади, дилларни қувонтиради.

Зинаида Ротарь «Главташкентстрой»га қарашли 31-қурилиш бошқармасида ишлаб, деярли йигирма йилдан буён ана шу касбни ардоқлаб келмоқда. Ундаги ҳунарга садоқат, жонкуярлик, дўстларига нисбатан меҳр-оқибат, ҳалоллик, топширилган ҳар бир ишни аниқ ва пухта бажариш одати ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига тортди.

Зинаида асли молдавиялик. Тошкентга уни қардошлик меҳри бошлаб келди. Бунга ҳам ўша зилзила сабаб бўлди. Ротарлар кўп қатори комсомол йўлланмаси билан тошкентликларга ёрдамга шошилишди.

Шунга ҳам, мана йигирма йил бўлибди. Шу йиллар давомида бизнинг пардозлаш бошқармамизда фидокорона ишлаб келмоқда. Бугунги кунда Тошкентнинг ҳозирги гўзал қиёфасини, нечоғли ўзгариб кетганлигини уни бундан йигирма йил бурун кўрганлар яхши билади. Шу йиллар ичида Зинаида ҳам камол топди, минглаб шаҳарсозлар билан бирга нафас олди, фидойи ва камтар инсон сифатида униб-ўсди, республикамиз пойтахти кўркини очишга муносиб ҳисса қўшди. Самарали меҳнатлари эвазига кўксини «Тошкент қурувчисига» фахрий нишони, «Халқлар дўстлиги» орденлари безади, Фахрий ёрлиқлар олди.

КПСС XXVII съезди ҳужжатлари, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, унда илгари сурилган ҳаётий ғоялар ва муҳим масалалар кўп қатори Зинаида Ротарга ҳам илҳом бағишламоқда. Ҳамшаҳримиз яқинда ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, ўн иккинчи беш йиллик шахсий планларини 3,5 йилда бажаришга сўз берди.

**Т. ҚОБИЛОВ,**
**Тошкентдаги пардозлаш трестининг 31-қурилиш бошқармаси ишчиси.**

